# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Қадрли дўстлар!

Сизларнинг барчангизни пахта тайёрлаш йиллик режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин дилдан табриклайман!

Сиз азизларнинг бу меҳнат зафарингиз, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш борасидаги ютуқларингиз, авваламбор, бугунги ҳаётимизда эркинлик ва ижодкорлик руҳи ҳар бир хоразмликнинг иймон-эътиқодига, умр мазмунига айланиб бораётгани, одамларнинг дунёқараши, ерга ва мулкка муносабати тубдан ўзгараётганидан ёрқин далолат.

Ҳалол меҳнатингиз, пешона терингиз эвазига бунёд этилган 290 минг тонналик пахта хирмони нафақат вилоятнинг, балки бутун Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган Хева шаҳрининг 2500 йиллик тантаналарига энг муносиб тўёнадир.

Хоразмнинг табиий шароити мураккаб эканлиги яхши маълум: қиши қаҳратон, ёзи жазирама, тупроғи шўрхок. Сувининг ҳар бир томчиси ҳисобли. Шундай бир шароитда меҳнат қилиш, юқори ҳосил олиш, мамлакатда биринчи бўлиш замирида сизлардаги матонат, тадбиркорлик, ватанпарварлик каби ўзбекона фазилатлар мужассам.

Азиз хоразмлик дўстларим!

Ўз фаолиятингиз мисолида астойдил меҳнат қилган одам турмушини ҳам, юртини ҳам обод қилиши мумкинлигини яна бир бор исбот этганингиз катта эътиборга сазовор.

Сиз деҳқончиликда ота-боболаримиз қўллаб келган удумларни тиклаш, янгиликка интилиш асосида ўзига хос академия яратдингиз. Ишончим комилки, илғор иш тажрибангиз мамлакатимизда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги ислоҳотларида мактаб вазифасини ўтайди.

Барчангизни меҳнат зафарингиз билан яна бир бор муборакбод этаман. Хонадонингиздан тинчлик-осойишталик, файзу таровват аримасин! Умрингиздан барака топинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

# ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, жонажон республикамиз мустақиллиги шарофати билан сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида, «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги фармонларингиз ҳамда гўзал диёримиз ёшларининг илм-фаннинг барча соҳалари бўйича дунёдаги илғор мамлакатлар ёшлари билан беллаша оладиган даражада билим олишига кўрсатаётган мунтазам эътиборингиз ва ғамхўрлигингизни ҳис қилиб турибмиз. Уларга жавобан меҳрибон устозларимиз ёрдамида жаҳон фан олимпиадаларида она Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Илк қалдирғоч сифатида республикамиз мактабларининг 33 нафар тенгдош ўқувчилари биргаликда Аргентина, Голландия, Грузия, Польша, Чехословакия, Туркия давлатларида математика, физика, биология, кимё ва экология бўйича ўтказилган бир қатор олимпиадаларда иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдик.

Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар кўрсатган ўн икки нафар 11-синф ўқувчилари сизнинг Фармонингизга мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, имтиёзли қабул қилиндилар. Бошқа қатнашчилар умумтаълим мактабларида ўқишни давом эттирмоқда.

Биз қайси мамлакатда, қайси фан бўйича мусобақаларда иштирок этмайлик, азиз Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаётганимизни бир лаҳза ҳам ёддан чиқармадик. Зеро, олимпиада топшириқларини ечиш жараёнида қаршимизда турган гўзал байроғимиз ортимизда Ватанимиз шаъни борлигини доим эслатиб турди.

Юртимизда 1 октябрь куни биринчи марта умумхалқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида биз ҳам иштирок этдик. Бундай байрам билишимизча, дунёда фақат бизнинг мамлакатимиздагина ўтказилди ва у зўр кўтаринкилик вазиятида нишонланди. Тошкентда бўлганимизда муҳташам Амир Темур музейида, санъат ва маданият кошоналарида бўлдик. Ниҳоятда гўзал пойтахтимиз борлигидан фахрландик, қалбимиз ғурурга тўлди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигингизни биз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз — бу ғамхўрлик ва яратилаётган шароитларга муносиб маънавий етук, маърифатли, зукко ва фидойи фарзандлар бўлишга сўз берамиз.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг!

Ўзбекистон Республикасининг халқаро олимпиадаларда иштирок этган ва ғолиб чиққан бир гуруҳ ўқувчилари Файзулла ШОИСМАТОВ, Шерзод МАДРАҲИМОВ, Фарруҳ ҚОРАБОЕВ, Константин СТРОКОВИЧ, Ҳаёт ҲАЛИМОВ, Шаҳриёр ТУРҒУНОВ, Ориф МЕЛИБОЕВ, Игорь ИВАНОВ, Алишер РАҲМОНОВ, Евгений КИМ, Павел МАНЕНКОВ, Қаҳрамон АСЛОНОВ, Нодирбек ҲУСАИНОВ.


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 октябрь, шанба № 119 (22.203).

*Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*


*«Пахта — 97»*

# ХОРАЗМ: ҲАЙРАТЛАНМАЙ БЎЛАДИМИ?

Хоразм деҳқони зафар маррасига етиб келди — 100 минг гектар майдондан 290 минг тонна юқори сифатли саноат хом ашёси йиғиштириб олинди.

Улкан хирмон қисқа фурсатларда бунёд бўлди — 45 иш кунининг нари-берисида.

Ҳайратланмай бўладими?

Воҳа пахтачилиги тарихи октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ғалаба қучилганини ҳали қайд қилмаган.

Ҳайратланмай бўладими?

Плёнка остига чигит экишдек андижонликлар тажрибасини илк бора синаб кўрган деҳқонлар дастлабки йилдаёқ самарадан баҳраманд бўлишди. Июлнинг охирларига бориб, айрим майдонларда кўсаклар тўла очилди, август ойи бошидаёқ саралаб теришга киришилди...

Ҳайратланмай бўладими?

Бир мавсумдаёқ қишлоқ хўжалигида «Шовот» тажрибаси атамаси пайдо бўлди. Шунчаки атама эмас, чинакамига ташкилотчилик, тадбиркорлик мактаби. Шовотлик ижарачиларнинг неча-нечаси август ойидаёқ йиллик режани уддаладилар. Тумандаги Хоразм жамоа хўжалигининг Улуғбек Норматов бошлиқ бригадаси 10 сентябрда, «Соҳибкор» жамоа хўжалиги эса 14 сентябрда йиллик режадан ташқари пахта сотишга киришди. Сўз ва иш бирлиги, деҳқон ва ишчи, деҳқон ва талаба, деҳқон ва ўқувчи ҳамкорлиги, бир-бировини қўллаш-машаққатли мавсумни қисқа фурсатларда ўтказиш, ҳосилни ёғинсочинлик кунларга қолдирмай, фақат юқори навларга сотиш имконини берди.

Ҳайратланмай бўладими?

Хоразмлик раҳбарларнинг даладан бошқа минг ташвиши бор. Бу ёқда бобошаҳар Хеванинг 2500 йиллик тўйи тадориги. Ободонлаштириш, таъмирлаш, бунёдкорлик жабҳаси. «Икки фронт»да иш олиб борган ёшуллиларга ҳам офарин. «Шаҳар юбилейига барча режаларни ошириб, бажарамиз» шиори барча воҳа меҳнаткашларининг қалб даъвати, виждон ҳайқириғи бўлди.

Деҳқон меҳнатига яраша ҳақ оладиган кунларга етишди. Шовот туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги ижарачиси Норгул Норхонова 1 ойда терган пахтаси учун 35 минг сўм иш ҳақи олди.

Терим мавсуми айни авжига чиққан пайтда воҳа деҳқонига «Ҳормасин» айтиб юртбошимизнинг ташриф буюриши кучларга куч қўшди. Эндиликда 40—45—50 центнерлик марра ҳақида сўз айтиш хаёлотдан амалиётга айланди.

Ҳайратланмай бўладими?

Пахтакордан ўрнак олган шоликорлар ҳам ўрим-йиғимни авж нардаларига кўтаришган. Улкан шоли хирмони хушхабарларини эшитадиган кунлар яқин.

Хоразмнинг юксак хирмони, деҳқонлар зафарини турлича баҳолаш мумкин. Албатта, раҳбарлар тадбиркорлиги ва деҳқоннинг жасоратли меҳнати уйғунлиги бор гап. Аслида бу ғалабанинг Мустақиллик сиёсатининг қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чинакамига амалга ошириш йўлидаги залворли қадами десак, тўғри бўлади. Ўз йўлини топиб олган давлатимизнинг ҳаққчил сиёсати мевасига эса эндиликда ҳайратланишнинг ҳожати йўқ.

Рўзимбой ҲАСАН.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

**(Учинчи манзара)**



**УМАРОВ Холхўжа Мукаррамович — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи.**

*Рустам ШАРИПОВ олган сурат.*

Мамлакатимизга ташриф буюрган Американинг «Камминз Энжин» компанияси президенти Теодор Солсо раҳбарлигидаги делегация аъзолари 10 октябрь куни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

* * *

## ВАТАН ХАРИТАСИ

Навоийда икки кун давом этган «Мустақил Ўзбекистонда суд тизими ва инсон ҳуқуқлари кафолатлари» мавзуидаги халқаро семинар ниҳоясига етди.

* * *

Қашқадарё, Жиззах, Наманган ва Андижонда вилоят фаолларининг ўтган тўққиз ойлик иш якунларига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

* * *

Тўрақўрғондаги собиқ тракторларни таъмирлайдиган завод ўрнида барпо этилган «Оҳангар» акциянерлик жамиятида янги тўрт қаторли пневматик универсал сеялкаларнинг намуна нусхалари чиқарилди.

* * *

Тошкентда Буюк Британия маданияти кунлари фестивали давом этмоқда.

* * *

Жомбой пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари янги ҳосилдан дастлабки юз тонна толани Нидерландияга жўнатди.

# ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи тантаналарига ҳам саноқли кунлар қолди. Мазкур қадимий шаҳарларимизда байрам тадбирларини юксак савияда ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

10 октябрь куни Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоларидан бир гуруҳи Бухорога келди. Улар тантаналарга тайёргарлик ишларининг бориши билан танишдилар.

Бош режиссёр Б. Йўлдошев театрлашган томоша хусусида ахборот берди. Уни янада такомиллаштириш юзасидан республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасадди раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

Муҳокамада Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов қатнашди.

(ЎзА).

# БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

***☑ «Интернет» ахборот тизими хабарига кўра, толибончиларга қарши иттифоқ қуролли кучлари стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Ҳайратон портини толибончилардан қайтариб олди. Бу ҳақда толибончиларга қарши иттифоқ қуролли кучлари қўмондонлиги вакили ахборот берган. Унинг таъкидлашича, катта миқдордаги ҳарбийлари ва техникасидан ажралган толибончилар Қундуз шаҳри йўналишидаги саҳрога чекинганлар. «Толибон» ҳаракати раҳбарияти таъкидлашича, толибончилар уч ҳафта мобайнида ўз қўлларида тутиб турган Ҳайратондан тактик нуқтаи назардангина чекинганлар. Ҳайратон Афғонистон шимолий ҳудудларининг норасмий маркази Мозори Шарифдан 60 километр узоқда бўлиб, уни қўлга киритиш учун ўтган ҳафта мобайнида қарама-қарши гуруҳлар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтган эди.***

***

***☑ Россия ҳукумат раиси ўринбосари, ички ишлар вазири Анатолий Куликов ва Доғистон Бош вазири Рамазон Абдулатипов Доғистон ҳуқуқ-тартибот органларининг кенгайтирилган мажлисини ўтказдилар. Мажлис республикада қонунчиликни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг амалий чора-тадбирларини белгилади.***

***

***☑ Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви мамлакат Бош вазири Бенямин Нетаняхуни қаттиқ қоралади. Бу раҳбар билан ишлай олмаслигини очиқдан-очиқ баён этган у. Д. Леви «Бош вазирга умуман ишончи қолмаганини» айтди.***

***Исроил ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари яқинда бўлиб ўтган Бенямин Нетаняху билан Ёсир Арафотнинг учрашувига киритилмаган эди. Қолаверса, Д. Леви мамлакат хавфсизлик хизмати томонидан тайёрланаётган махфий операциялар ва Исроил сиёсий ҳаётидаги айрим бошқа воқеалардан ҳам хабарсиз қолдирилганди...***

*Далил ва таҳлил*

# ҚАШШОҚ ЭДИ, БОЙ БЎЛДИ

«Пахтакор — Хитой» қўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳали йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин бу ерда қилинаётган ишлар салмоғи кишини ҳайратга солади. Сайхунобод туманига қарашли «Пахтакор» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги иссиқхонанинг барпо этилганига йигирма йилча бўлиб қолди. Лекин у пайдо бўлибдики, иссиқхонадан олинган даромадлардан бировнинг қўли «мой» бўлганини эслаш қийин. Сўнгги йилларга келиб эса у хўжалик учун турган-битгани ташвишга айланиб қолган эди. Чунки бир ёқдан сўнгги йиллардаги иқтисодий тангликлар туфайли жамоа оғир аҳволга тушиб қолган бўлса, иккинчи тарафдан йилдан йил ўз самарасини йўқотаётган иссиқхонага кетадиган харажатлар бир неча бор ошиб кетаётган эди.

Хўш, нима қилиш керак? Бу савол жамоа фаоллари, энг аввало унинг раҳбари Эшпўлат Абдишкуровни жиддий ўйлантириб қўйди. Бундай ҳолатда баъзи бир жамоа мулкига жони куймаган ва ичи ачимаганлар осонгина йўлни тутишиб, бу иншоотларни арзимаган сариқ чақага бирор тадбиркорга сотиб юборадилар. Баъзи ҳолларда эса катта қийинчиликларни рўкач қилиб, уни ёпиб қўя қоладилар. Чунки бозор иқтисоди даври, ҳаммага ҳаракат эркинлиги берилган, ким нима қиламан деса, ихтиёри ўзида.

Лекин Эшпўлат Абдишкуров ҳамда иссиқхона раҳбари Қоржов Ашуралиев ундай бесамара йўлларни танламадилар. Аксинча, узоқни ўйлаб, яна ҳам серташвиш, яна ҳам сермашаққат йўлни танладилар. Яъни хитойлик тадбиркор У Нень-Ту билан ҳамкорликда бу ерда қўшма корхона очишга аҳд қилдилар.

Буни қарангки, танланган ана шу икки томонлама манфаатли йўл кутилганидан ҳам самарали бўлиб чиқди. Хитойлик шериклар бор-йўғи ўн кишилик жамоа билан келиб сафга қўшилдилар. 90 кишилик эски жамоа эса ўз ўрнида қолди. Бир қарашда ҳеч нарса ўзгармагандек эди. Аслидачи?

Аслида эса... бу корхонани энди таниб бўлмайди. Келинг, яхшиси, гапни чўзиб ўтирмай қуйидаги далилларга эътибор қилайлик. Ўтган 1996 йилни иссиқхона жамоаси деярли 6 миллион сўмлик зиён билан якунлаган эди. У қўшма корхонага айлангач, йилнинг дастлабки босқичини... 16 миллион 600 минг сўм фойда билан якунлади. Шундан 7 миллион 800минг сўми қилинган харажатларни қоплаган бўлса, ярим йиллик кўрилган соф фойда 7 миллион 840 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳозирча бу фақат — биринчи босқич, яъни помидор етиштиришдан эришилган натижа. Ҳозир Эшпўлат Абдишкуров, У Нень-Ту ва Қоржов Ашуралиевлар бош бўлган жамоа иккинчи босқич, яъни қишда пишадиган бодринглар кўчати парвариши устида астойдил иш олиб бормоқдалар. Ҳозир кўчатлар текис униб чиқиб, палакларда гуллар ва дастлабки ҳосил тугунчалари пайдо бўлмоқда. Бизга юқоридаги рақамларнинг «мағзини» чақиб берган хўжалик бош иқтисодчиси Отамурод Исроиловнинг таъкидлашича, иссиқхона жамоаси иккинчи босқичдан ҳам ўрта ҳисобда 3 миллион сўм атрофида фойда кўришлари мумкин. Қарабсизки, атиги бир йил муқаддам қарз ботқоғига ботиб, чорасиз, афтода қолган жамоа тадбиркорлик ва ишбилармонлик туфайли 6 миллион зарар ўрнига 10 миллион соф фойдага эга бўлиб ўтирибди. Ахир бундай ажойиб самаралардан ҳайратланмай бўладими?

Қани энди «Пахтакор»да рўй бераётган, лекин ҳозирча айтарли кўпчиликнинг эътиборидан четда қолиб кетаётган бу ажойиб мисол бошқа қарзга ботиб, чорасизман деб ўтирган хўжалик раҳбарлари юрагида ҳам ғурур ва ғайрат ўтини ёқиб юборса.

**Абдужалил УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


НАШР ИНДЕКСЛАРИ:
"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221
"ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА"
Якка тартибдаги обуначилар учун — 121
Ташкилотлар учун — 122
"ОСИЁ БОЗОРИ"
(хафталик иловa)
Якка тартибдаги обуначилар учун — 174
Ташкилотлар учун — 175




"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" — СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ!
БИЗ ДОИМО СИЗ БИЛАН!

*Партия иш тажрибасидан*

# ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

**Ўзбекистон ХДП Наманган вилояти кенгашининг биринчи котиби Н. И. ҚОЗОҚОВ билан мулоқот**

***— Сизлар партиядан сайланган депутатлар билан ишлаш борасида қизиқарли тажриба тўплабсизлар. Шу ҳақда батафсилроқ сўзлаб берсангиз. Қандай янгиликлар бўлди?***

— Аввало, партиямиз Марказий Кенгашидан, Андижон вилояти кенгашидан, Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани кенгашидан ва яна бир қатор партиядошлар вилоятимизда бўлишиб, улар Олий Мажлис депутатларидан 2 киши ҳамда вилоят кенгаши депутатларидан 10 киши билан 30 га яқин шаҳар, туман кенгаши депутатлари ҳузурида суҳбатлашдилар, — деб сўз бошлади вилоят партия кенгаши биринчи котиби. — Деярли ҳамма шаҳар, туман ва вилоят кенгашлари томонидан партиямиздан Олий Мажлисимизга ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларидан сайланган депутатларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун олиб бораётган ишларини ўрганишди, камчиликларни ҳам аниқлашди, уни бартараф этиш йўллари ҳақида қимматли маслаҳатлар беришди.

***— Депутатлардан гоҳида: «Шарт-шароитлар етарли бўлса эди, сайловчиларимиз олдида қизариб қолмасдик», деган гапларни эшитамиз...***

— Барча даражадаги депутатларимизга ўз сайловчилари олдидаги бурчларини тўла-тўкис адо этишлари учун шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бу бошқа, айрим жойларда юз бераётган бўлиши мумкин. Бунинг учун биз барча шаҳар, туман партия кенгашлари, йирик бошланғич партия ташкилотлари қошида ҳамда ўз иш жамоалари қошида ташкил этилган қабулхоналар, депутатлар сўровларини уюштириш, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари томонидан у ёки бу депутат олдига сайловчилар томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун тегишли идора раҳбарларига мурожаат қилиш ва уни ижросини таъминлаш, депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини партия йиғинлари, ижроия бюро, пленум ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессияларида ифодалаб бориш, «Халқ иродаси» газетасидаги «Депутат минбари» рукни ва бошқа воситалардан кенг фойдаланмоқдамиз.

***— Айниқса, шаҳар, туман кенгашларига партиямиздан сайланган ўрта бўғинда ишловчи депутатлар ҳал қилиши лозим бўлган муаммоларнинг айримлари шаҳар, туман, ҳатто вилоят ташкилотларига боғлиқлиги равшан, ўзингиздан қолар гап йўқ...***

— Биз, партия ходимлари ана шу масалаларни ҳал этишда кўмаклашиб бормоқдамиз. Ахир, бу бизнинг биринчи галдаги бурчимиз-ку. Бунга бефарқ қараш мумкинми?

Шу туфайли барча даражадаги депутатларимизга сайловчилар томонидан қабул даврида 1248 та арз ва шикоятлар билдирилган бўлса, улардан 722 таси ижобий ҳал этилди. Турли йиғилиш ва учрашувларда сайлов ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир 648 та таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, улардан 501 таси амалга оширилди. Бу — аслида катта гап!

Депутатларимиз турли масалаларни ҳал этиш учун ҳокимларга ва бошқа ижроия органларга, ташкилот ва корхоналар раҳбарларига 242 та сўровлар билан мурожаат қилдилар, улардан 190 таси ўз ижросини топди. Бу ҳам айтишга осон, албатта. Фидойилик керак аслида.

Бевосита депутатларимизнинг аралашуви билан 5 та мактаб, 3 та боғча, 21 та маҳалла гузарлари, 108 та савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилиб фойдаланишга топширилди, 17 км. йўл асфальтланди, 180 км. йўлга шағал ётқизилди, 45 км. ичимлик суви учун қувур тортилди, 500 км. дан ортиқ газ қувурлари тортилди. Бунга, табиийки, қанчадан-қанча саъй-ҳаракат қилинди!

***— Депутатларнинг диққат-эътиборини партиямиз фаолияти билан узвий боғлаб бориш учун нималар қилиняпти?***

— Биз уларни бошланғич партия ташкилотларидаги йиғилишларга, ижроия бюро мажлисларига, пленумларга доимий таклиф қилиб бормоқдамиз, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан уларга минбарлар беряпмиз, тарғибот-ташвиқот гуруҳларига жалб этяпмиз, ўз сайлов ҳудудидаги бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларига вакил қилиб юбормоқдамиз. Партия сайланма органларида уларнинг ахборотларини эшитиб, фаолиятларини яхшилашга боғлиқ йўл-йўриқлар кўрсатиб, маҳаллий партия ташкилотларининг кўмагини уюштирмоқдамиз. Кейинги 2 йилнинг ўзида депутатлардан 23 киши пленумларда, 36 киши ижроия бюроларда, 90 киши бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ахборот бердилар. Бу — ижрони текшириш, амалий ишлар самараси эмасми?

***— Демак, режаларни амалий ишларда намоён қиляпсизлар?***

— Партиямиз ўтган сайловлар олдидан бир неча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаган эди. Вилоятимиздаги партия ташкилотлари мазкур битимни амалга ошира бориб, улар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Жумладан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими, «Камолот», болалар жамғармаси, хотин-қизлар, касаба уюшмалари вилоят қўмитаси билан кўплаб тадбирлар, илмий-назарий конференциялар ўтказилмоқда. Вилоятдаги жамоат ташкилотлари вакилларидан 5 нафари партиямиз рўйхати бўйича маҳаллий кенгашларга депутат этиб сайланганликлари бу ҳамкорликдаги ишимизда қўл келмоқда. Ҳали яхши режаларимиз кўп.

Депутатлар иқтидори нақадар ранг-баранг бўлмасин, мақсадимиз битта бўлиши керак: мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида янада бўй кўрсатиши учун ҳаммамиз биргаликда саъй-ҳаракат қилишимиз зарур. Жаҳон партиялари тажрибаси ҳам шуни яққол кўрсатади.

**Суҳбатдош: Икром ҲАМИДОВ.**

*Хатлар Хатлар Хатлар*

## ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА

***Олмалиқ шаҳри яқинидаги қишлоқда олти нафар фарзандни улғайтираётган Мамадали ака ва Зарифа опалар хонадонида қувончли кунларга ногаҳонда кўланка тушди. Бош фарзанд — 26 ёшли Дилмуроднинг оёқ-қўллари сезгисини йўқотиб, охири ишламай қолди. Бундай нохуш ҳолат кейинчалик 17-22 ёшлардаги Акмал, Малоҳат, Бекмуродларда ҳам ўз белгиларини кўрсата бошлади. Оиладаги бундай аҳволга чидай олмаган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кон ишчиси Мамадали Анорбоевнинг боши эгик, руҳи сўлғин, қўли ишга бормайди. Ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган муаллима Зарифа опа ишдан воз кечиб, фарзандлари билан овора бўлиб қолди.***

***Бундай аҳвол комбинат касаба уюшмаси ташкилотининг раиси Собир Пўлатов хабар топгунча давом этди. Собир Акрамович уларнинг дардига бефарқ қараб тура олмади. Шундан кейин аста-секин оилада ўзгаришлар бўла бошлади. Аввало ногирон болалар тиббиёт кўригидан ўтказилдилар. Навбатдаги қуриб битказилаётган кўп қаватли уйдан комбинат директори Виталий Сигединнинг шахсан топшириғи билан уларга беш хонали квартира навбатсиз берилди. Уй жиҳозлари, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар харид қилинди. Бу хайрли ишлар бошида касаба уюшмаси раиси бош-қош бўлиб турди. Ҳозиргача Собир ака комбинат раҳбарияти номидан баҳоли қудрат совға-саломлар билан хонадонга ташриф буюриб, уларнинг аҳволидан хабар олиб туради. Тиббиёт кўриги тўрт фарзандни биринчи гуруҳ ногирони деб топди, уларга тиббий ёрдамлар белгиланди, нафақа тайинланди...***

***Биринчи қаватдаги беш хонали уйнинг баланд кўтарилган айвонида уч ака-ука, ичкари уйда Малоҳат. Ҳаммалари ўз хаёллари билан банд.***

***— Келганларинг жуда яхши бўлди, — деди Дилмурод хурсанд бўлиб. — Айниқса, эшикдан йўқлаб келган одамлардан хурсанд бўламиз. Худойим берган дард экан, энди яратгандан сабр-тоқат сўраймиз.***

***Ҳар бир гапни ўйлаб, маъноли гапирадиган бу йигит билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Хусусан, унинг руҳан бардам, тетик эканлиги қувонтирди бизни.***

***Бу оила аҳволидан яхши хабардор ҳар бир одамда шундай ўй кечади: саховатли тадбиркорлар, фирмалар кўприклар, бозорлар, мактаблар қурилишига ўз маблағи билан катта ҳисса қўшаётганларидан беҳад мамнун бўламиз. Олмалиқ шаҳрида ҳам бор шундай кишилар. Қани Мамадали ака ва Зарифа опаларнинг хонадонларига ҳам қўлларидан келган ёрдамларини аямасалар, бу савобга нима етсин! Шаҳар шифохонаси, дорихоналарига-ку бу гапни эслатиб ўтириш ортиқча.***

Темир ҲАЙДАРОВ.

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

## «ОҚТЕПАДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР»

***Шайхонтоҳур тумани ҳокими маҳкамаси газетада чоп этилган «Оқтепадаги қора доғлар» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни хабар қилади:***

***Оқтепа мавзесидаги Есенин кўчасида чиқиндилар учун махсус контейнер қўйилганлигига қарамасдан маҳалла аҳолиси томонидан чиқиндилар бетартиб ташланган. Туман 5-махсустранс раҳбарияти «Чўпонота» маҳалла қўмитаси билан биргаликда мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этди. Автокорхона томонидан бириктирилган автомашина жадвал асосида чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмоқда.***

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари
Р. РОЗАМУҲАМЕДОВ.

## «ТЕМИР ПИРИМНИНГ МУРИДЛАРИ»

***«Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган (1997 йил, 29 июль, 161-сон) «Темир пиримнинг муридлари» сарлавҳали мақола шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳардаги автомобиль тўхташ жойлари фаолиятига жавобгар мутасадди ташкилот, жавобгар шахс ва ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда назорат ишлари кучайтирилди.***

Фарғона шаҳар ҳокими А. МЎМИНОВ.

# ЖАҲОЛАТ — ДУШМАН,

Ҳуқуқий маърифат ҳақида ўйлаганимда, автобусда бўлган бир воқеа ёдимга тушаверади. Салон орқасида ўтирган уч-тўрт йўловчи жазо чоралари ҳақида суҳбатлашарди.

— Кеча телевизорни кўрдингизми, — дея тўладан келган ўрта яшар киши ёнида ўтирган ҳамроҳига юзланди, — Чеченистонда бир эркагу бир аёлни жамоатчилик ўртасида отиб ташлашди. Кўриб юракларимиз эзилиб кетди.

— Мени мактаб ёшидаги қизим толибонлар одам сўяётганини кўрганда, ўзидан кетиб қолди ва бир неча кун кечалари алаҳсираб чиқди.

— Энди Чеченистондаги жиноятчиликнинг олдини олиш учун қаттиққўллик қилмаса ҳам бўлмайди-да, — деди кимдир.

Ёнимда турган кўзойнакли йигит чидаб туролмади, шекилли, эътироз билдирди:

— Кечирасизлару, лекин кўпинча, айрим мамлакатларда диннинг маърифий жиҳатлари ўрнига шариат деб кўпроқ хурофотга берилиб кетилмоқда.

— Э, укажон, лекция ўқиб бошни қотирманг, — орқасига ўгирилди ўртароқда ўтирган аёл. — Жиноят қилибдими, жазосини тортсин-да. Тўғри қилишади, отиб.

Манзилимга етиб келганим учун автобусдан тушиб, мунозара қандай якун топганидан бехабар қолдим. Аммо ўша аёлнинг тунд қиёфаси сира кўз ўнгимдан кетмайди.

Иттифоқо ҳуқуқшунос дўстимни учратиб қолдим. Суҳбатимиз ўз-ўзидан Афғонистон ва Чеченистонда қўлланилаётган шаърий жазо чораларига бориб тақалди. Мавриди келиб, автобусдаги ўша мунозара ва аёл кишининг бешафқат сўзларидан қандай таъсирланганимни айтиб бердим.

Ҳуқуқшунос мийиғида кулди: — жоҳил кишилар ҳамма жойда учраб туради. Бундайлар шахсий манфаатидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдилар, ўзгалар тақдири, жамият тақдири уларни асло қизиқтирмайди. Фожиани ҳамиша ўз бошларига тушгандагина англайдилар.

Ўша одамларга ўлим тилаган аёлнинг ўғли ўғрилик қилди ва шариат қонунлари асосида қўли кесиладиган бўлди, дейлик. Хўш, аёл ўзини қандай тутади? Ишончим комилки, инсофу адолат, раҳм-шафқат сўраб, доду фарёд кўтаради.

Албатта, битта аламзада кишининг тушунчаси бутун бошли жамият дунёқарашини акс эттирмайди. Матбуот органларига келаётган мактубларни ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкин. Афғонистону Чеченистон ва Тожикистонда бўлаётган биродаркушлик, хунрезлик, одамларни судсиз, терговсиз намойишкорона жазолаш каби ғайриинсоний ёвузликлар халқимиз дилига оғир ботмоқда. Бу уч нарсадан далолат беради. Биринчиси, инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳру оқибат каби умуминсоний қадриятлар миллатимиз қон-қонига сингиб кетганлиги, иккинчиси, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти сўнгги олти йил мобайнида анча ошганлиги бўлса, учинчиси, республикадаги барқарор ижтимоий-сиёсий вазият, тинч-тотув ҳаёт натижаси, одамларда давлатга, олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга, демакки келажакка бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигидир. Ҳаётидан мамнун киши ўзгаларга ҳам омонлик тилайди. Турмушидан норози одам эса, жамиятдан ҳам, ҳукуматдан ҳам норози бўлади, атрофдагиларга ғараз билан қарайди.

Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Абдурасулов шундай ёзади:

— Жаҳон ҳамжамиятига ўзини мустақил давлат сифатида танитишга ҳаракат қилаётган Чеченистон республикаси, энг аввало, инсон ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслиги керак. Матбуот хабарларига қараганда, у ерда 30 кишини намойишкорона қатл қилиш мўлжалланаётган экан. Бундай воқеаларнинг юз бериши ақлга сиғмайдиган даҳшатдир.

— Хом сут эмган банда шайтон йўлдан оздириб баъзан гуноҳ ишлар қилиб қўяди, — дейди Сурхондарё вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Норбой ҳожи Султонов. — У қонун олдида жавоб бериши керак. Инсонни шошма-шошарлик билан жазолаш, ўлимга маҳкум этиш Оллоҳга ҳам, жамиятга ҳам маъқул келмайди.

Талаба Саломат Раимбоева эса «Айбдорларни фуқаролик суди орқали, умумбашарий нормалар талабларига жавоб берадиган тарзда жазолаш керак. Ҳозир ўрта аср хунрезлигини қўллайдиган давр эмас. Бу ҳолларнинг шу кунларда содир бўлиши бутун инсониятга иснод келтиради», деган фикрда.

Бироқ россияликлар бу борада ўрта аср жазо чораларини маъқул кўришаётгани билан биздан фарқ қилмоқдалар. «Московский комсомолец» газетасини олиб кўрайлик. «Чеченистонда одамларни шариат йўли билан жазоланишига қандай қарайсиз», деган саволга сўровда иштирок этган газетхонларнинг қарийб 60 фоизи ижобий жавоб қайтарган. Бунинг сабаби, Россияда жиноятчилик тобора авж олиб бораётгани, аҳоли оқшомлари у ёқда турсин, ҳатто куппа-кундузи ҳам кўчаларда эмин-эркин юришга қўрқиб қолганлигидан бўлса, ажабмас.

... Ривоят қилишларича, ўзига тўқ хонадон эгаси бозор айланиб юрса, майдон ўртасида халойиқ йиғилиб турганмиш. Қараса, бир ўспирин йигитчани ўғрилик қилгани учун бармоқларини кесишмоқчи экан. Ҳалиги одамнинг болага раҳми келибди-да, жамоага мурожаат қилибди.

— Ҳой, муҳтарам зотлар! Худо ҳаққи, шу боланинг жонини қийнаманглар. Уни менга беринглар, ўзим тарбиялайман. Истаган товонингизни тўлайман, азиз биродарлар, болани менга беринглар.

— Э, бу ўғри-киссаўрни нима қиласиз. Неча бор гуноҳини авф этдик, тавбасига таянмади. Барибир инсофга келмайди, бу муттаҳам, яхшиси жазосини тортгани маъқул.

— Йўқ-йўқ, азизлар, ўтиниб сўрайман, болапақирни менга сотинглар, илтимос сизлардан.

Амалдорлар бу одамнинг қатъиятини кўришгач, «Ҳай, ўзингиз биласиз», дейишибди-да, қози билан маслаҳатлашиб, тан жазосини жарима билан алмаштиришибди.

*Диққат янги рукн: Мулоҳаза ва мунозара*

# МАКТАБ ВА НАВОИЙ ДАҲОСИ



Гап миллий таълим тизимини шакллантириш ҳақида кетар экан, икки асосий мезон унинг моҳиятини ташкил этажагини ёдда тутмоқ лозимдир. Булар — илғор замонавий таълим жараёнидан олинажак тажрибалар ва мавжуд миллий маданий манбаларни миллий эҳтиёж нуқтаи назаридан таълим жараёнига мослаштиришдир. Биз учун масаланинг энг нозик томони ҳам шу. Халқимизнинг миллий таълимга асос бўлажак манбалари ғоят ранг-баранг, улкан. Бош вазифа эса ана шу бой, улкан манбаларни ягона мақсад — миллий тикланиш, юрт фарзандларининг комил ва маънан юксак, ватанпарвар бўлиб етишишларига йўналтиришдир. Масала ғоят жиддий, гап миллат тақдири ва келажаги хусусида. У ҳар бир фуқародан, миллатпарвар инсондан фикр ва мулоҳаза талаб этади.

Маълумки миллий таълим ўзида кўпроқ тил, адабиёт ва тарих фанларини ифода этади. Бошқа табиий фанлар эса миллийлик мезони билан эмас, кўпроқ замонавийлик эҳтиёжи билан ўлчанади. Шундай экан, миллий таълим яратишда асосий эътибор мазкур — тил, адабиёт ва тарих фанларига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Яна, ана шу шаклланиш жараёнида мавжуд бўлган таълим тизимига назар ташлаб, ундаги чигалликлар ва лоқайдликлардан хулоса чиқариш эртанги жараён учун фойдадан холи бўлмайди. Хатолардан унумли фойдаланиш оқилларга хос фазилатдир.

Таълимнинг бошланғич жараёни бу — мактаб. Шунингдек унинг ёрқинлиги ва самарадорлигини ҳам амалда мактаб белгилайди. Тўғрироғи эса масаладаги асосий ўрин ўқувчи эҳтиёжидан, унинг ёши, қабул қилиш қобилияти, зеҳнидан унумли фойдаланишга боғлиқдир. Ўқитишнинг мураккаб ва нозиклиги ҳам шунда.

Шу фурсатда ҳозирги мавжуд таълим тизимидаги чигалликларга тўхталмоқчимиз. Ва буни имкон қадар ҳаётий далиллар билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Мактабда ўзбек адабиёти тарихини ўта бошлаган пайтларимиз, 8-синф. Биз — ўқувчилар илк ўзбек адабиёти намоёндалари ҳақидаги қисқа баёнотдан сўнг, ўзбек адабий тилининг асосчиси, мутафаккир шоир Алишер Навоий ижоди билан тўқнашдик. Навоий ижоди ҳақидаги илк таассуротимиз унинг битта ғазалига берилган узундан-узоқ изоҳлар тўплами бўлди. Шоирнинг битта ғазалини англаш учун бутун бошли изоҳлар луғатини титкилаш зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига дарс деярли тазйиқ остида ўтади — ҳеч бўлмаганда шу ғазаллардан икки-учтасини ёд олиш шарт. Энг азоблиси эса, ҳали эндигина учрай бошлаган мураккаб сўзларни ёд олиш (улар Навоий ижодида истаганча топилади).

Хуллас, биз дарсликнинг тенг ярмини эгаллаган Навоий фаолиятини ва ижодини ўрганиш мобайнида унинг туғилган йили, қилган амалий ишлари, ёзган асарларининг номи (адаштириб бўлса ҳам) ва нари борса икки-уч ғазалларини (ўқитувчи олдидаги қўрқув боис) ёд олдик. Аммо асосий масала — шоир ижодининг нафосати, унинг тил асосини яратишдаги амалий исботи четда қолди. Ва шу тариқа илк муаммо — Навоий даҳосини кашф этиш муаммоси юзага келди.

Эътиборингизни нимага қаратмоқчимиз: Навоий буюк шахс, мураккаб шоир. Бунда айб ўқувчи ёки ўқитувчида эмас, балки шоир ижодини бу тахлит 8-синф ўқувчиларига (14 ёш) берилишида деб ўйлаймиз. Навоийнинг тили ва ҳозирги замонавий тил ўртасидаги фарқ, шунингдек, ўқувчи эҳтиёжи, қабул қилиш қобилияти мутлақо унутилган. Агар бугун навоийшунослик борасида яратилган саноқсиз илмий ишлардан кейин ҳам шоир ижодини мукаммал, батафсил ифода эта оладиган қўлланма, мутахассис йўқлигини инобатга оладиган бўлсак, масала нечоғли жиддийлигини англаб етамиз. Биз Навоий буюклигига ўқитувчимизнинг тинимсиз такрорларидан ва шоир исми ёзилганда бу ибораларни қўшиб ўқиш орқали кўникдик. Бугун ўқитувчимизнинг ҳам Навоийни кашф қилганига шубҳа билан қарайман. Шоирнинг буюклиги эстафета сингари авлоддан-авлодга, синфдан-синфга узатиб келинди.

Қисқаси, мактабда Навоийни бу тахлитда ўқитилишига чек қўйилиши керак. Акс ҳолда, бу кўпроқ шоир даҳосини тушунишга, унинг ижодидан баҳраманд бўлишга, қолаверса ҳақли равишда ғурурланишга эмас, балки унинг ижодидан безишга, зерикишга «хизмат» қилиши мумкин.

Биз Навоийни мактабда ўтиш керак эмас, демаяпмиз, аксинча, уни ўқувчи ёшини, эҳтиёжини, тушуниш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда бериш керак. Шундагина бу улуғ шоирнинг даҳосига бўлган эҳтиёж, унинг ҳурмат-эътибори жойига қўйилади.

Эҳтимол, дарсликда Навоийни англаш даражасигача бўлган бадиий муҳитни яратиш ҳақида ўйлаб кўриш керакдир. Масалан XVII-XIX аср адабиётини Навоий ва Бобурдан олдин ўқитиш зарурдир. Ҳар ҳолда тил ва услуб борасидаги яқинлик ўқувчида бироз бўлсада адабий муҳит ҳақидаги тушунчани юзага келтиради. Шу мулоҳазани замонавий ўзбек адабиёти ҳақида ҳам айтиб ўтиш мумкин. Навоий, Бобур ва бошқа ўша даврга мансуб шоирлар, тарихчилар, алломалар имкон қадар сўнгги синфларда берилиши лозим. Яна бир мулоҳаза, Навоий ижодини ўрганишда ҳозирги замонавий мунаққидларимизнинг мақолалари, илмий ишлари кенг қўлланилиши лозим, буларсиз Навоийни англаш, уни кашф этиш яна муаммолигича қолавериши мумкин.

Миллатни англаш, Ватан, юрт истиқболи учун яшаш ўз-ўзидан пайдо бўладиган ҳодиса эмас. Уни ана шу юртнинг фидойилари, миллатпарварлари тарғиб этишади. Бугун халқ таълимида миллий тизимни тиклаш ҳақида ислоҳот кетаётган экан, бу ҳам шундай фидойилик натижасидир. Уни мукаммал ва ҳақиқий миллий қиёфага келтириш эса барчамизнинг зиммамиздаги масъулият. Биз эркин фуқаролик жамиятида яшамоқдамиз. Фуқароларнинг миллат истиқболи йўлидаги талаб-истаклари эса ҳар бир ислоҳотга ҳисса бўлиб хизмат қилиши, озод ва обод юрт келажаги учун ўзининг муносиб улушини қўшиши табиий.

Юқоридагилар халқ таълими ислоҳоти — миллат ўғлонларининг ўқиш ва ўрганишлари йўлидаги кичик мулоҳазалар. Ҳар биримизда шундай мулоҳазалар борлиги аён. Матбуот эса шундай мулоҳазалар майдони.

Ҳурматли муштарий, таълим соҳасидаги мутахассислар, азиз устозлар, Сиз таълим ислоҳоти боис ўзингизни безовта этган фикр ва мушоҳадаларингизни севимли газетангиз «Ўзбекистон овози»га йўллашингиз мумкин. «Ўзбекистон овози» республикамиз миқёсида севиб ўқиладиган, кенг муштарийлар оммасига эга газета. Ана шу фикрларни инобатга олган ҳолда газетада янги — «Мулоҳаза ва мунозара» рукни жорий этилди.

Биз сизнинг фикр ва истакларингизни кутамиз. Зотан, миллатимиз келажаги, Ватан истиқболи, фарзандларимиз камолоти бизни бефарқ қолдирмаслиги муқаррар.

**Малик МАНСУР,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

